

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2024, № 4 (6)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES
Scientific journal

ТОШКЕНТ-2024

ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
HISTORICAL RESEARCHES

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Ильяс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Академик
Ўзбекистон Миллий университети
Сулейманов Рустам Хамидович тарих
фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети
Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулов Ахмад Баймахаматович
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Габриэльян Софья Ивановна тарих
фанлари доктори, доцент *Ўзбекистон*
Миллий университети
Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Очилдиев Файзулла Бобокулович
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Сиддиков Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Нарбеков Абдикамил Вафасевич
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Тухтабеков Козимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Бахранов Шерзод Таштурсунович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Жамоат ҳафсизлиги университети
Кандахаров Анваржон Хасанович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулова Шахноза Боймухамматовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Навоий Давлат педагогика институти
Нормуродов Дилмурод Рахматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Али Назарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Усаров Умид Абдумавлянович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети
Эгамбердиева Гузаль Акрамжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Эшқувватов Бобир Валикул ўғли
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Галиба,
Исторический факультет Национального
Университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/> : E-mail:
I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib
Faculty of history of the National university of
Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/> : E-mail:
I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Абдуллаева Нигора Санжаровна “МУЗЕЙ ВОСТОКА” МУЗЕЙИДА ЎРТА ОСИЁ КОЛЛЕКЦИЯЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ	5
2. Абдуллаева Нигора Санжаровна РОССИЯНИНГ “МУСИҚА МУЗЕЙИ”ДА САҚЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ МЕРОСИ НАЪМУНАЛАРИ	17
3. Аннаев Жалолiddин Тухташевич МАРҒИЁНА БУДДАВИЙЛИК ЁДГОРЛИКЛАРИ ВА САНЪАТ НАМУНАЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ	30
4. Азизов Ильдар Рафаэлевич УЧАСТИЕ И КЛЮЧЕВЫЕ АСПЕКТЫ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УЗБЕКИСТАНА В МЕЖПАРЛАМЕНТСКОЙ АССАМБЛЕЕ СНГ	46
5. Балтабаева Манзура Мирзажановна ГЕНДЕРНАЯ ПОЛИТИКА УЗБЕКИСТАНА: ВОПРОСЫ ЧАСТИЯ ЖЕНЩИН В ГОСУДАРСТВЕННОМ И ОБЩЕСТВЕННОМ УПРАВЛЕНИИ	53
6. Бахронов Шерзод Таштурсунович ИЗ ИСТОРИИ ТОРГОВО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ СВЯЗЕЙ ТУРКЕСТАНСКОГО КРАЯ С РОССИЕЙ В КОНЦЕ XIX-НАЧАЛЕ XX ВЕКОВ	65
7. Ишанхуджаева Замира Раимовна ИЗУЧЕНИЕ И СОХРАНЕНИЕ ПАМЯТИ О ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЕ С ПОМОЩЬЮ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЕКТА И ЦИФРОВОЙ ИСТОРИИ	74
8. Kamolova Muhlisah Farhod qizi TURKISTON GENERAL-GUBERNATORI A.V. SAMSONOVNING O‘LKADAGI TA’LIM JARAYONI VA TARIXIY-MADANIY OBYEKTLAGA NISBATAN OLIV BORGAN SIYOSATI (1909-1914 YILLAR)	81
9. Махмудова Нигора Баротовна СОСТОЯНИЕ СЕЛЬСКОГО УПРАВЛЕНИЯ НА НАЧАЛО XX ВЕКА В ТУРКЕСТАНСКОМ ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРСТВЕ (НА ОСНОВЕ МАТЕРИАЛОВ СЕНАТОРА К.К.ПАЛЕНА)	91
10. Мусаев Нуриддин Умирзакович МИРЗАЧЎЛНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА УНИ ЎЗЛАШТИРИЛИШИ ТАРИХИДАН	103
11. Очилдиев Файзулла Бобокулович XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА БОШЛАНҒИЧ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ	115
12. Raxmanova Mahbuba Shavkat qizi КАТТА О‘РТА ОСИЁ ИҚТИСОДИЙ РАЙОННИНГ ГЕОГРАФИК ВА ИҚТИСОДИЙ ТАВСИФИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР	124

Мусаев Н. У.тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университетиMusayevn@mail.ru**МИРЗАЧЎЛНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА УНИ ЎЗЛАШТИРИЛИШИ
ТАРИХИДАН****АННОТАЦИЯ**

Кайнозой эраси даврида Ўрта Осиёда денгиз сувлари тортилгач, тоғлардан оқиб тушган сой сувлари ўлка флора ва фаунасининг ўсиши ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг шароит яратди. Туркистон ўлкасини Россия босиб олгач, русларни ўлкага кўчиришга «Давлат аҳамиятига эга бўлган вазифа», деб қаралди. Пахтачиликни ривожлантиришга эътибор кучайди. Шу мақсадда Мирзачўлда ҳам каналлар қазилди. Бироқ, чўл шароити ва тупроқлари тузилишини ҳисобга олмаган ҳукумат етарли даражада самарадорликка эриша олмади, кўп ҳаракатлар бесамар кетди.

Калит сўзлар: Кайнозой эраси, плиоцен даври, кўҳна қайири, Сардоба ботиғи, неоген, миоцен, биостратиграфик маълумотлар.

КИРИШ

Ўрта Осиёдаги йирик текислик бўлган Мирзачўлнинг майдони 10 минг км², баландлиги 230-385 метрдан иборат бўлиб, у Сирдарёнинг қумоқ ва қумликлардан таркиб топган учта кўҳна қайири (террасаси) да жойлашган. Мирзачўл Ўзбекистоннинг Сирдарё, Жиззах вилоятлари, Қозоғистоннинг Туркистон вилояти ва Тожикистоннинг Зафаробод тумани билан чегарадош бўлиб, у шарқда Сирдарё, жанубда Нурота ва Туркистон тоғларининг тоғ олди ҳудудлари билан ўралган[1]. Арнасой ботиғи Мирзачўл билан Қизилқум ўртасидаги табиий чегара сифатида сақланиб қолган.

Мирзачўлнинг шимоли-шарқий қисмида ён бағирлари қумли, ости гипслашган лойтош ва қумоқ тоғ жинсларидан иборат Сардоба ботиғи жойлашган бўлиб, унинг узунлиги 27 км. эни 9-10 км. Ботикнинг келиб чиқиши ҳақида турли фикрлар мавжуд бўлиб, баъзи тадқиқотчилар уни юқори плиоцен даври*да Сирдарёнинг қадимги ўзани ёки дарё суви вақти-вақти билан қуйилиб турган кўлнинг ўрни деб ҳисоблашади [2]. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра, у неоген (нео...ва юнонча *genos-*туғилиш) системасининг юқори оқими-плиоцен (юнонча *pleion-*кўп сонли,

янги) даврида шаклланган. 1833 йили инглиз геологи Ч.Лайель томонидан икки бўлим-миоцен (қуйи) ва плиоцен (юқори) га ажратилган.

Неоген системасида тоғ жинслари қатлами кайназой гуруҳига мансуб бўлиб, у Ер пўсти қатламлари стратиграфик шкаласининг энг ёш қисми сифатида ҳозирги даврни ҳам ўз ичига олади. Кайнозой номи 1841 йили фанга инглиз геологи Ж.Филлипс томонидан киритилган бўлиб, у бундан 66 млн. йил муқаддам бошланган деб фараз қилинади. Унга кўра, Ер сатҳининг ҳозирги қиёфаси, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг шаклланиши, инсониятнинг пайдо бўлиши кайнозой эраси даврига тўғри келади.

Ер геологик тарихининг сўнги даври тўртламчи системага тўғри келиб, бу даврни ўрганиш ва бўлимларга ажратишда, асосан, биостратиграфик маълумотлар, палеонтологик, литологик, геоморфологик ва бошқа методларга асосланган. 1932 йили Европа тўртламчи системасини ўрганиш ассоциацияси бу даврни тўрт бўлимга ажратишни таклиф этган, у қадимги (эоплейстоцен), ўрта (мезоплейстоцен), янги (неоплейстоцен) ва ҳозирги (голоцен) давларига бўлинган.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Қадимда Ўрта Осиёнинг денгиз сувлари билан қопланган ҳудудларининг (жумладан, Қизилқум ва Мирзачўл ҳам) голоцен даврида чўкиши натижасида тўртламчи даврда (бундан 10-16 минг йиллар илгари) сизот сувлари пасайиб, тупроқнинг устки қатламлари вужудга келган ва шу қатламлардаги тузлар юзага чиқиб қолган. Голоценда қуруқлик ва денгизлар ҳозирги кўринишига эга бўлган [3]. Бу даврда ер юзининг табиий шароити бир неча бор ўзгарган ва тропик иқлими жойларнинг қисқариши натижасида шимолда музликларни пайдо бўлган. Иқлим ўзгариши билан чўкинди тоғ жинсларининг ҳосил бўлиши тезлашиб, уларнинг қалинлашишига таъсир кўрсатган. Бу даврда вулқонлар ҳаракатининг кучайиб бориши тоғларнинг нураши, чўл ва дашт зоналарнинг пайдо бўлишига олиб келган.

Неоген даврида кўпгина халтали ва вахший ҳайвонлар қирилиб кетган. Уларнинг ўрнида ҳозирги пайтда биз билган ҳайвонларнинг аجدодлари пайдо бўлган. Шунингдек, бу давр қатламларида кўпгина фойдали қазилмалар конлари вужудга келган. Чўкинди фойдали қазилмалар (нефть ва газ) Яқин ва Ўрта Шарқ, Фарғона ва бошқа жойларда вужудга келган. Ўрта Осиёда олтингугурт, туз ва бошқа конлар пайдо бўлган.

Бу даврда Қизилқум ва Мирзачўлда чўл шароити учун хос бўлган саксаул ва бошқа кўплаб ўсимликлардан иборат бўтазорлар пайдо бўлган. А.П.Федченконинг ёзишича: “Саксовул муҳим амалий аҳамиятга эга бўлиб, қирғизлар уни қуйдириб кўмир олиш учун Қизилқумга боришади...

Қизилқум флорасининг бошқа ўсимликлари ҳам жуда оригинал бўлиб, улар атрофдаги чўлларнинг флорасидан кескин фарқ қилади..”. “ Мен Қизилқумни кезган жойларимда қумда ўсган сассиқ қуврай ёки кавракларнинг Тошкентдан 40 чақирим масофада жойлашган Чордара атрофларида кўплигини кўрдим (улар Мирзачўлнинг Чиноз ва Жиззах орлиғидаги ҳудудларда ҳамда Зарафшон тоғларининг 5000 минг метр баландликда бўлган ҳудудларида ўсади.)”[4].

Мирзачўл тупроқларининг шўрлик даражаси юқори ва сизот сувлари юзада бўлганлиги учун махсус мелиорация тадбирларини амалга ошириш натижасидагина деҳқончилик қилиш мумкин бўлган. Тоғлардан оқиб келган турли минераллар Мирзачўлнинг маълум ҳудудларида деҳқончилик билан шуғулланиш имконини кенгайтирган. Бироқ, сув танқис бўлган чўл ҳудудларида чорвадорлар сув манбаларини қидириб топишга мажбур бўлишган. Сув манбаларини топишгандан кейин эса улардан доимий фойдаланиш учун сувни тўплаш ва сақлаш учун сардобалар қурилган.

Сардобаларнинг географик жойлашуви, жойнинг табиати, рельефига кўра, бу ерларда тўпланган сувлар бир неча хил [қор-ёмғир сувлари, сойлар ва ариқларнинг сувлари, ер ости (коризлар)да йиғиладиган сувлар]га бўлинган. Тарихий маълумотларга кўра, Мовароуннаҳр ҳудудларида 44 та сардоба бўлиб, Улардан 29 таси Қарши чўлида, 3 таси Мирзачўлда, 3 таси Тошкент билан Фарғона орлиғидаги қадимги савдо йўлида, 1 таси Малик чўлида қурилган[5].

Археологик топилмаларнинг гувоҳлик беришича, Мирзачўлда яшаган аҳоли чорвачилик билан бир қаторда қадимдан деҳқончилик ишлари билан ҳам шуғулланишган. Ўримбойўғиз ва Эски Туятортар каналларининг ҳозиргача сақланиб қолган қолдиқлари шундан далолат беради.

XIX-аср ўрталаридан эътиборан Мирзачўлнинг ер тузилиши ва табиий шароитини ўрганишган тадқиқотчилар қолдирган маълумотларнинг гувоҳлик беришича, Нурота ва Туркистон тоғларининг тоғ олди ҳудудларида қазилган ариқлардан экин экиладиган ерларга сув чиқарилган. Баҳорда адирларда сон-саноксиз қўй-эчкилар, қорамоллар, от ва туялар боқилган. Бироқ, майсалар май ойдан бошлаб сариқ тусга кириб қурий бошлаши натижасида манзара бутунлай ўзгарган [6]. Бу даврда Мирзачўл ҳудудларида яшаган турли уруғлар асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишган. Жумладан, Жиззах уезди ҳудудида 222683 киши яшаб, уларнинг 208412 нафари қишлоқ хўжалиги билан, 630 нафар эркак ва 3 нафар аёл чорвачилик билан шуғулланган[7].

XIX аср ўрталарида Ўрта Осиё хонликлари ўртасида бўлиб турган доимий зиддиятлар, шунингдек, қозоқ хонларининг босқинчилик ҳаракатларига

қарши курашлар оқибатида аҳолининг иқтисодий-ижтимоий аҳволи оғирлашиб тинка-мадори куриган бир вақтда Россия империясининг Туркистонга босқинчилик ҳаракатлари бошланди. 1847-йилда казакларнинг қозоқ ва қирғиз ерларига, 1864-йилдан бошлаб Қўқон хонлиги ҳудудларига босқинчилик урушлари бошланди. Чоризм амалдорларининг “бундай босиб олишлардан Россия нима фойда кўради”? деган саволларига Босқинчилик кампанияларида фаол иштирок этганерал-лейтенант М.А. Терентьев куйидагича жавоб берган: “Биринчи фойда Уралбўйи атрофлари таъминланади; иккинчи қойда–бизнинг савдомиз таъминланади...; учинчиси шундан иборатки, биз ҳозиргача эришган позицияларимиз лойиҳаларда қолиб кетмасдан, ҳақиқатдан ҳам Британия Ҳиндистонига хавф туғдиради[8]”.

1865-йили Тошкент шаҳри босиб олингандан кейин босиб олинган ҳудудларни тартибга солиш учун Ҳарбий вазирлик томонидан қабул қилган дастлабки қарори “Туркистон областини бошқариш ҳақида вақтинча низом” бўлиб, у 1865-йил 6-августда император Александр II томонидан тасдиқланди. Низомнинг асосий мақсади “бошқаришнинг умумий асосларини белгилаш асосида янги эгалланган ҳудудларда тинчлик ва тартиб ўрнатиш”га қаратилган эди.

“Туркистон областини бошқариш ҳақида вақтинча низом”нинг жорий этилиши билан амалда босқинчилик режимини ифодаловчи колониал бошқарув тизими ўрнатилиб, аҳолидан солиқларни йиғиб олиш, шу йўл билан подшо қўшинларини таъминлашга киришилди. Бундан Туркистон аҳолисининг турли қатламлари ўртасида норозилик ҳаракатлари бошланди.

Туркистон областини идора қилишнинг ташкилий тузилиши расмий жиҳатдан “Ҳарбий-халқ бошқаруви” тизимидан иборат бўлиб, уни бошқариш ҳарбий губернатор зиммасига юкланган, унга ёрдамчиси ва икки кишидан иборат канцелярия ходими кўмаклашишган, ҳарбий бошлиқлар ҳарбий бўлинмалар ва русийзабон аҳолини бошқаришган. Маҳаллий аҳолини эса ҳарбий бўлинмалар бошлиқларининг ёрдамчилари назоратида бўлишган. Уларнинг зиммасига қарвонлар хавфсизлигини таъминлаш; солиқларнинг вақтида тўланишини назорат қилиш; ўрмонлар ва ариқларни қўриқлаш каби масалалар кирган. Туркистон области Оренбург ҳарбий округининг ҳарбий губернатори таркибига киритилган.

Туркистон ўлкасининг катта ҳудудлари босиб олиниб, 1867-йили Туркистон генерал губернаторлиги ташкил этилгач, Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори қилиб К.П.Кауфман тайинланган. Унга шу йили тузилган Туркистон ҳарбий округини ҳам бошқариш топширилган. Генерал-губернатор, генерал-адъютант К.П.Кауфман қўлида маъмурий, ташқи сиёсий,

ҳарбий, суд, полиция ва ҳўжалик ишлари жамланган. У аҳолидан солиқ йиғиш, хорижий тадбиркорларга Россия фуқаролигини бериш, хоҳлаган кишисига сиёсий айблар билан мамлакатдан чиқариб юбориш, ишларни ҳарбий ва ҳарбий-сиёсий судлар ихтиёрига жўнатиш, подшо судлари, шунингдек қозилар ва бийлар ўлимга ҳукм қилинганларнинг жазосини бекор қилиш ва бошқа шу кабиларни бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган. Шундан кейин К.Кауфан бошлиқ янги бошқарув органи маҳаллий аҳолига зўравонлик қилиш, уларнинг ерларини тортиб олиш, ер учун ижара ҳақини кўпайтириш, уй-жой солиғини ошириш ҳаракатлари жамият ҳаётининг барча соҳаларида аҳволнинг оғирлашувига олиб келди [9].

Чоризм ҳукумати Туркистон халқлари ўзи олиб бораётган сиёсатининг асл моҳиятини тўла англаб етишларига имкон бермаслик учун Россиядан ортиқча аҳолини кўчириб келтириш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш Туркистонда мустамлакачилик сиёсатини изчил амалга оширишдаги асосий вазифалардан бири, деб билди. Шу мақсадда Деҳқончилик ва ер тузилиши ишлари бошқармаси бошлиғи А.Кривошейн Россиянинг марказий губерняларидан ортиқча аҳолини кўчириш, биринчидан, рус қишлоқларида тинчлик ва тартиб ўрнатишга ёрдам берса, иккинчидан, Туркистонда бўш ётган ерларни ўзлаштириш имконини беради, деган ғояни илгари сурди. Бунинг учун у Мирзачўлда бир неча юз минг десятина ерларни ўзлаштириш орқали бу ерларга «мустаҳкам рус элементларини» кўчириш ва уларга энг яхши ерларни беришни тавсия қилди. «Бадавлат мусулмон аҳолиси орасида, - деб ёзган эди Кривошейн, - кўчиб келган руслар камбағал, абгор ва камситилган ҳўжайин бўлиши мумкин эмас. Русларнинг Туркистонда ҳўжалик юритиш имконияти устунлиги билан ҳам мустаҳкамланиши лозим. Кўчиб келган рус-хўжайин ерида сарт ишчисини куриш, сартнинг ерида рус батрагини кўришдан кўра ёқимлироқдир»[10]. Кривошейн русларни Туркистонга кўчириш масаласига «Давлат аҳамиятига эга бўлган вазифа», деб қаради ва уни ўлкада мустаҳкам ўрнашиб олишнинг асосий таянчи деб билди.

Империянинг ҳукмрон доираларига Кривошейннинг фикрлари маъқул бўлди. Улар Россиянинг марказий районларида намоёишлар ва қўзғолонлар кўтариб турган “ортиқча” нотинч аҳолини Туркистонга кўчириш сиёсатини қўллаб-қувватладилар. Туркистонда тафтиш ишлари олиб борган сенатор К.К.Пален Россия манфаатларидан келиб чиқиб, қуйидаги фикрни билдирган: “Бу ўлка Россияга қўшилган кундан бошлаб рус ҳукуматини икки томонлама: 1) молиявий сиёсат нуқтаи назаридан давлатнинг даромад манбаи ва товарлар учун янги бозор сифатида; 2) мустамлакачилик сиёсати нуқтаи назаридан

ортиқча аҳолини жойлаштириш учун янги вилоят сифатида қизиқтиради[11]”.

Россиядаги “ортиқча” аҳолини чекка ўлкаларга кўчириш ва уларни жойлаштириш эҳтиёж учун шунчаки қилинган иш бўлмасдан, бунга ижтимоий зарурият ҳам сабаб бўлаётган эди. Чунки, капитализмга хос ишлаб чиқариш жараёнида халқ хўжалигининг бошқа соҳаларига нисбатан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи аҳолининг мунтазам суратда камайиб бориши табиий ҳол бўлиб, капитализм билан тўқнаш келган деҳқонлар ё саноат ишлаб чиқариши ва у билан боғлиқ, бироқ ўзлари учун нотаниш бўлган соҳаларда ишлашга ёки бошқа юртларга кўчиб кетишга мажбур бўлдилар.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Россияда пахта хом-ашъёсига бўлган талабнинг мунтазам ошиб бориши рус ҳукумати Туркистонда пахтачиликни ривожлантириш чораларини излашга мажбур қилди. Шундай вазиятда Кривошейн Туркистонда деҳқонлар банкини очиш, ўлкада қишлоқ хўжалиги мактабини вужудга келтириш орқали суғориш ишларини яхшилиш масаласини кўтарди.

1886 йилги Низом асосида 1888 йил 2 августда қабул қилинган кўрсатмага биноан сувдан фойдаланиш ҳуқуқи маҳаллий жамоалардан олинди, чоризм маъмуриятига берилди. Натижада суғориш тармоқлари кенгайтирила бошланди. И.И. Гейер маълумотида кўра, сунъий суғориш тармоқлари яхши ривожланган Фарғона водийсида Қорадарёдан 50 дан зиёд, Норин дарёсидан 14 та канал чиқарилди. Руслар иштирокида эса Сирдарёдан Хўжанд тумани ерларини суғориш учун Далварзин канали қазилди. Бекобод қишлоғи ўрнидан Николай I номли канал қазилиши бошланди. У Мирзачўлда 8 минг десятина ерни суғоришга мўлжалланган эди[12]. Булардан ташқари, Чирчиқ, Оҳангарон ва Арис дарёлари орқали суғориш тармоқларини янада кенгайтириш кўзда тутилди.

Туркистоннинг энг йирик сув тармоғи Амударёдан руслар эгаллаган ерларда 65 та канал қазилиб, улар 65 минг десятина ерни суғоришга мўлжалланган эди. Зарафшон дарёсидан чиқарилган каналлар орқали қарийб 400 минг десятина ер суғорилган. Шундан 268 минг десятинаси Бухоро амирлиги ихтиёрида бўлган [13].

Каналлар чиқарилиб кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирилиши, экин майдонларини кенгайтирилиши янги волостлар ташкил қилиш, бунинг учун ўтроқ ва кўчманчи аҳолини кўчириш ҳаракатлари амалга оширилди. Бунинг учун 1898 йилда 9 та овул жамоасидан иборат Қизилқум волостининг катталиги уни хўжалик ишларини юритишда ноқулайликлар сабаб қилиб кўрсатилиб, 1904 йили июнь ойида Самарқанд вилоятининг ҳарбий

губернатори “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида”ги Низом асосида Қизилқум волостини иккига бўлиш тўғрисида буйруқ чиқарди[14].

XIX аср охири-XX аср бошларида Мирзачўлда асосан суғориладиган валалми ерларга экин экилган. Шунингдек, Мирзачўлнинг катта қисми суғорилмайдиган “ўлик ерлар”дан иборат бўлиб, улардан асосан яйловлар сифатида фойланилган. Бу даврда ўлкада Россия империясининг мустанлакачилик сиёсати кучайиб маҳаллий аҳолининг аҳволи руслар бостириб келганига қадар бўлган даврга нисбатан оғирлашган. Жумладан, қишлоқларда ерларнинг катта қисми илгари бойлар ва йирик савдогарлар қўлида тўпланган бўлса, руслар ҳукмронлиги ўрнатилгандан кейин қишлоқларда илгариги феодал ер-мулк эгалари бўлган аслзодалар ўрнини тобора мавқеи ошиб борган савдо-судхўрлик капитали эгалари эгаллай бошлади. Оқибатда илгариги меҳнаткаш аҳолини эксплуатация қилишнинг илгариги услублари сақланиб қолгани ҳолда, эксплуатациянинг янги усуллари вужудга келиб, улар кам ерли ва ерсиз деҳқонлар сонини ошишига, шунингдек, ерларни чоракорларга ижарага бериш шакллариининг кўпайишига олиб келди.

Сенатор К.Паленнинг маълумотларига кўра, 1888-1899-йилларда Самарқанд уезди бўйича камқувватли деҳқонлар томонидан 15 минг десятинадан ортиқ, Жиззах уезди бўйича эса 5 минг десятинага яқин ер сотилиб, улар бойлар ва савдогарлар қўлига ўтган[15]. Ўша даврда Мирзачўлда ерларни сотиш ҳолатлари кўпайиб, суғориладаган ерларнинг ҳосилдолигига қараб нархлар турлича қўйилган. Масалан, Ўзбек волостида экин экиладиган бир таноб ер 7 сўмдан 12 сўмгача, Работ, Янгиқўрғон ва Ём волостларида 4 сўмдан 5 сўмгача баҳоланган[16]. Лалмикор ерлар нисбатан арзон бўлиб, 1 сўм 20 тийиндан, энг қиммати 7 сўмгача баҳоланган, жумладан, бундай ерлар Сангзор ва Зомин волостида эса 3 сўм, Боғдон волостида 4-6 сўм, Накрут волостида 5-7 сўм бўлган[17].

1900-йили “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида”ги Низомга бир қатор ўзгаришлар киритилган. Низомнинг 263-бандига кўра, жамоа ерларининг чегаралари алоҳида кўрсатилиши, бу ерлар давлат ҳисобига солиқлар солиниши кўзда тутилган[18]. Бунинг натижасида бу жамоа ерларини ҳисобга олиниши, тақсимланиши ва улардан солиқ ундириш жараёни тезлашди.

Жамоа ерларини чегараланиши бундай ерлар таркибига кирган яйловлардан чорвадорларнинг фойдаланиш имкониятларини чеклаб қўйди. Мустанлакачи ҳукумат томонидан жорий этилган маъмурий бирликлар туфайли ёзги яйловлар билан қишки яйловлар бир-биридан ажратиб қўйилиши, яйловлардан фойдаланганлиги учун қўшимча пул тўланиши талаб

килиниши чорвадорларнинг норозилигига сабаб бўлди. Бундан ташқари чўл худудларида ўрмон хўжалиklarининг ташкил этилиши чорвадорлар билан ўрмончилар ўртасида зиддиятларни кучайтирган.

Мустамлакачи ҳукумат ўлка иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида суғориш тармоқлари биринчи даражали аҳамиятга эга эканлигидан яхши хабардор бўлсада, уни такомиллаштиришга шошилмади. Масалан, 1899 йили Давлат кенгаши Мирзачўлда қарийб 65 километрлик канал қазииш учун 2025 минг сўм ажратган бўлса-да, Бироқ 1908 йилгача унинг бор-йўғи 11 км.дан зиёдроғи қазилган, холос[19]. Бундай лоқайдликка барҳам бериш мақсадида ўлкада суғориш ишлари билан шуғулланган Игнатъев комиссияси шундай таклиф киритган: «... Ўлкада суғориш тармоқларини кенгайтириш учун ҳукуматнинг етарли маблағ ажратишига умид боғлаш бефойда... Бундай ҳолда... суғориладиган давлат ерларини... янги ариқлар қазииш шарти билан ҳамда суғориш иншоотларининг аҳамиятига қараб 3 йилдан 10 йилгача муддат билан давлат солиқларидан озод қилиш ҳисобига хусусий шахслар ва жамоаларга ижарага бериш зарур»[20]. Бироқ мустамлакачи ҳукумат бундай ҳақли талаблар ва норозиликларни эътиборсиз қолдирди.

Россияда пахта хом ашёсига бўлган талабнинг ошиб бориши туфайли капиталистик муносабатлар суғориш тармоқларига ҳам кириб кела бошлади. Ўлканинг суғориш тизимидаги мавжуд муаммоларидан усталик билан фойдаланган ишбилармонлар сув чиқариши қийин бўлган дарё ва сойлар бўйларига ўрнатишган насослардан баландликларга сув чиқаришиб, ўз эҳтиёжларидан ортган сувларини насос сотиб олиш имкони бўлмаган деҳқонларга сотишган. Агар деҳқонлар мавсумда ерларини уч марта суғоришса, ҳар ботмон ер учун ўртача 60 сўм тўлашган. Шу йўл билан ишбилармонлар суғориб берган ҳар ботмон ер учун ўртача 40 сўм фойда олишган.

XX аср бошларида Туркистонда хусусий суғориш корхоналари вужудга келди. Улар орасида «Сирдарё», «Қароқчиқум» ва «Пахтачилик» каби йирик ширкатлар бўлиб, Қўқон биржа қўмитасининг таъкидлашича, уларнинг мақсади «ҳазинага, жамоаларга ва хусусий шахсларга тегишли пахта майдонларини суғориш ва эксплуатация қилишга» қаратилган эди[21].

Масалан, «Сирдарё» жамияти 355 десятина ерни сотиб олган. Бундан ташқари, «Қорашаҳар» жамоасидан 234 десятина ер ижарага олинган. «Пахтачилик» жамияти турли қишлоқлардаги хусусий ер эгаларидан қарийб 1,7 минг десятина ерни ижарага олган[22]. Бундай хусусий ва ижарага олинган ерлар яна чоракорларга ижарага берилган. Мулкдорлар изчил суръатда ўзларининг ижтимоий аҳволларига кўра қишлоқ пролетариатини ташкил эга бошлаган чоракорлар ва мардикорлар меҳнатидан кенг

фойдаланишга ўтишди. Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва эксплуатация қилишни кучайтириш орқалигина қўшимча бойлик тўплаш мумкинлигига ишонч ҳосил қилишган сармоядорлар турли йўллар билан суғориш тармоқларига ҳам кириб кела бошлашди.

Туркистонда мустамлакачи маъмурият томонидан олиб борилган солиқ сиёсати маҳаллий аҳолининг ижтимоий аҳволи ва ер-сув масалаларига ҳам катта таъсир кўрсатди. 1901-1907 йилларда солиқ ишлари Мирзачўлнинг катта қисмини эгаллаган Самарқанд вилоятининг Жиззах ва Хўжанд уездларида олиб борилган[23]. Бу тадбирдан мақсад ўлкадаги ерларни рўйхатга олиш ва аҳоли томонидан етиштирилаётган маҳсулотларга солиқ миқдорини белгилашга хизмат қилган.

Таъкидлаш жоизки, Туркистоннинг маҳаллий аҳолиси асрлар давомида орттирган тажрибалари асосида ернинг ҳосилдорлик даражасини аниқлаш билан бир қаторда сувдан фойдаланиш, мураккаб қурилмалар асосида ва ҳисоб китоблар ёрдамида қир-адирларга сув чиқариш услубларини ўзлаштириб олишган. Бироқ улар Мирзачўлга чиқаришга деярли ҳаракат қилишмаган. Бекобод қишлоғи яқинида Мирзачўлда 8 минг десятина ерни суғоришга мўлжалланган князь Романов канали қазилиши бошланган. Каналнинг 11 километри қазилгандан кейин синов тариқасида каналдан ариқлар орқали чўлга сув чиқарилиб, кўчириб келтирилган рус деҳқонларига фойдаланиш учун берилган. Бироқ, биринчи ҳосил нисбатан яхши бўлсада, иккинчи йилга бориб ерларнинг шўрланиш даражаси кучайган, зовурлар қазилмаганлиги туфайли оқава сувлар чиқиб кетмаган. Бунинг устига чўлнинг жазирама иссиғига чидай олмаган рус деҳқонлари ўзларига берилган ерларни ташлаб саноат корхоналари мавжуд бўлган шаҳарларга кетиб қолишган. Бу ҳол шундан далолат берадики, Мирзачўлнинг асосий қисмини ташкил қилган чўл ҳудудларида деҳқончилик қилиш имконияти деярли мавжуд бўлмасдан, бу ҳудудларда яшаган аҳолининг асосий қисми асосан чорвачилик билан шуғулланган.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, XIX аср охирларигача, яъни Мирзачўлни ўзлаштириш учун жиддий ҳаракатлар бошланишидан аввал унинг тоғ олди, дарёлар ва йирик сойларга яқин ҳудудларида яшаган аҳолигина деҳқончилик (катта қисми лалми деҳқончилик) билан шуғулланишиб, улар асосан арпа, буғдой, жухори, нўхат, ловия, кунжут, йўнғичқа каби экинлар экишган.

Ўлкада Россия империяси ҳукмронлиги ўрнатилгандан кейин маҳаллий миробларнинг ариқлар қазишдаги тажрибаларини ўрганишиб, ариқлар қазишда бир қатор ютуқларга эришишган бўлсада, Мирзачўл тупроқлари

тузлишини яхши билмаганликлари туфайли етарли даражада самарадорликка эриша олмаганлар. Бундан ташқари, Мирзачўл бир қанча маъмурий бирликларга бўлиб ташланганлиги ҳам чорвадорларга ўз ишларини самарали ташкил этишларига имкон бермади.

Шундай қилиб, бутун Туркистонда бўлгани каби, Мирзачўл ҳудудларида ҳам тор доирада бўлсада товар – пул муносабатлари шаклланиб, судхурлик кенг тарқала бошлади. Оқибатда, ер билан савдо қилиш авж олди, қарздор бўлиб қолган камбағал деҳқонлар ўз ерларини сотишга мажбур бўлиши ерсиз деҳқонлар сонини кўпайтирди, судхурлик капитали камбағал деҳқонларни тобора кўпроқ ўз домига илинтира бошлади. Чор маъмурияти ва маҳаллий бойлар томонидан икки томонлама эксплуатация қилинаётган деҳқонлар тобора кўпроқ қарзга ботдилар ва пролетарлашган ерсиз деҳқонлар сафига қўшилиб капитализмга хос ишлаб чиқариш жараёнига тортила бошладилар.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

Қаранг. Ўзбекистон тарихи. 1-жилд, 2-китоб. –Тошкент, 1957. 106-б.

* плиоцен даври (юнонча-нисбатан кўп сонли, кўпроқ ва янги) –неоген системаси (даври) нинг юқори бўлими, Ернинг геологик тарихида неоген даврининг сўнгги босқичига тўғри келиб, 2 млн. дан 7 млн. йилгача бўлган вақтни ўз ичига олади.

1. Қаранг. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 4-жилд. –Тошкент: “ЎзМЭ”, 2002. 385-386-б.

2. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 3-жилд. –Тошкент: “ЎзМЭ”, 2002. -52-б.

3. Федчено А.П. Путешествие в Туркестан. М.: Географгиз, 1950. –С. 181.

4. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 7-жилд. –Тошкент: “ЎзМЭ”, 2004. 514-б.

5. Марков Е. Россия в Средней Азии: Очерки путешествия по Закавказию, Туркмении, Бухаре, Самаркандской, Ташкентской и Ферганской областям, Каспийскому морю и Волге. Том 1. – Санкт-Петербург, 1901. –С. 435-436.

6. Первая всеобщая перепись населения Российской империи, 1897 г. LXXXIII/ Самаркандская область. –Санкт-Петербург, 1905. –С. 126-127.

7. Терентьев М.А. Россия и Англия в Средней Азии. –СПб., 1875. –С. 272.

8. Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. –Тшкент: “Шарқ”, 2001. 37-б.

9. Кривошеин А.В. Записки главноуправляющего землеустройством и земледелием о поездке а Туркестанский край а 1912 г. Приложение к поездке всеподданнейшему докладу. –СПб, 1912. –С.4

10. Мусаев Н. У. XIX асрнинг II ярми-XX аср бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг шаклланиши. –Тошкент: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008. 12-б.
11. Гейер И.И. Туркестан. Изд. 2. –Ташкент, 1909. -С. 56-57.
12. Ўша ерда. 20-б.
13. ЎзМА, И. 21-ф. 1-рўйхат, 511-иш, 12-45 varaқлар.
14. История Узбекской ССР. Т.1. книга вторая. –Ташкент: изд. Ан УзССР, -С.130
15. ЎзМА, И. 21-ф. 1-рўйхат, 864-иш, 7-9- varaқлар.
16. ЎзМА, И. 21-ф. 1-рўйхат, 864-иш, 12-17, 21, 26- varaқлар.
17. Юлдашев А.М. Аграрные отношения в Туркестане (конец XIX-начало XX века). –Ташкент:
18. Шахназаров А. И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. –СПб., 1908. -С. 107.
19. ЎзМА, ф. И-1, р. 1008, ш. 177, в. 1886-1908.
20. Отчёт Кокандского биржевого комитета за 1913 г. –Коканд, 1914. -С. 53.
21. Ульмасов А. К. Создание социалистической экономики в Узбекистане. Рукопись дисс. на соиск. учен. степ., д.э.н. –Ташкент, 1969. -С. 74.
22. Пален К.К. Поземельное-подптное дело. –Санкт-Петербург. 1910. – С.23.

Мусаев Н. У.

д.и.н., профессор

Национальный университет Узбекистана

Musayevn@mail.ru

ИСТОРИЯ ФОРМИРОВАНИЯ И ОСВОЕНИЯ МИРЗАЧУЛЯ

АННОТАЦИЯ

В кайнозойскую эпоху, когда морские воды были отведены в Среднюю Азию, потоки, стекающие с гор, создали условия для роста флоры и фауны страны. После завоевания российской империей Туркестана переселение русских считалось «задачей огромной государственной важности». Возросло внимание к развитию хлопководства. С этой целью в Мирзачуле также были вырыты каналы. Однако правительство, не принявшее во внимание условия пустыни и структуру почвы, не добились достаточной эффективности, и многие усилия оказались напрасными.

Ключевые слова: кайнозойская эра, эпоха плиоцена, неоген, миоцен, биостратиграфические данные.

Musayev N.U.

DSc, professor

National university of Uzbekistan

Musayevn@mail.ru

HISTORY OF FORMATION AND DEVELOPMENT OF MIRZACHUL

ABSTRACT

In the Cenozoic era, when sea waters were diverted to Central Asia, streams flowing from the mountains created conditions for the growth of the country's flora and fauna. After the conquest of Turkestan by the Russian Empire, the resettlement of Russians was considered “a task of enormous national importance.” Attention to the development of cotton growing has increased. For this purpose, canals were also dug in Mirzachul. However, the government, which did not take into account the desert conditions and soil structure, did not achieve sufficient effectiveness, and many efforts were in vain.

Keywords: Cenozoic era, Pliocene era, Neogene, Miocene, biostratigraphic data.